

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan  
chiqa boshlaganИшонч ёрлиқлари  
топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 20 сентябрь куни Оқсаройда Тожикистон Республикаси, Италия Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги янги фавақулда ва мухтор элчилари — Бобохон Махмадов, Жованни Риччулли ва Ричард Норланд ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари дўстлик ва яхши қўшничилик аънавалари асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ташрифлар, ШХТ, ЕвразЭС, МДХ каби халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида мунтазам учрашиб, ўзаро ҳамкорликка, минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар.

Икки томонлама муносабатларга доир 150 дан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 2000 йили имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома алоҳида ўрин тутати. Бугунги кунда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик ана шу ҳужжат руҳида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Тожикистон қўшма комиссияси тузилган. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19,8 фоиз ўсди.

— Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи минг йилларга бориб тақалади, — деди Тожикистон элчиси Б.Махмадов. — Ўзбекистон бизнинг асосий савдо шеригимиздир. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни ҳар томонлама кучайтиришни ўз миссиямиз давридаги асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан. Президент Ислам Каримовнинг 1996 йилда Италияга расмий ташрифи олий даражадаги икки томонлама сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 1997 йили Тошкентда, 2000 йили Римда Ўзбекистон-Италия саммитлари бўлиб ўтди. Парламентлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ташрифлари уюштирилди.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик савдо алоқаларидан ташқари турли форумларни ҳам қамраб олган. Тошкентда ташкил қилинган Италия технологиялари ҳафталиги, Рим ва Миланда ўтказилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини таъкидлаш шўлар жумласидандир. Савдо-иқтисодий алоқаларни, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлиқни рағбатлантириш мақсадида Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 49 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Италиянинг 7 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳада икки мамлакатнинг олий ўқув юрлари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасида изчил алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ва италиялик олимлар, тадқиқотчилар Кўёш физикаси соҳасидан археологик қазилмаларга бўлган қўлаб йўналишда изланишлар олиб бормоқда.

— Ўзаро муносабатларимиз ривожланиш йўлидан бормоқда, — деди Италия элчиси Ж.Риччулли. — Яқинда Италияда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд ва биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Мана шу мақсад йўлида хизмат қилишни ўзимизнинг шараф, деб биламан.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари кенг қамровли бўлиб, қўлаб соҳаларни ўз ичига олади. Мамлакатларимизнинг хавфсизлиқни мустаҳкамлаш ва трансмиллий таҳдидларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий алоқалар борасида АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шериклари сафидан жой олганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистондаги саноат билан боғлиқ йиғирмадан зиёд лойиҳага АҚШнинг 1,4 миллиард долларлик сармояси жалб этилган.

Элчи Р.Норланд Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини ямғиртиришни, Ўзбекистондаги фаолияти давомида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон  
1991-2007  
йилларда

Истиқлол йиллари мобайнида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортди. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди.



Бўстонлик туманидаги марказий шифохона қошидаги туғруқ бўлими асосан 80 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳар йили 3,5 мингга яқин чақалок дунёга келади. Туман марказий шифохонаси бош шифокори Маъмуржон Саидхамедовнинг айтишича, туғруқхона ходимларининг қарийб қирқ фоизидан ошиги — олий тоифали гинеколог врачлардир.

— Чақалок ингасини эшитган онанинг кўзларидида меҳрини кўрганымда, унинг миннатдорлик тўла нигоҳига боққанимда, очкич, ўз касбимдан фараҳланиб кетаман, — дея гурурланиб сўзлайди врач Нигора Баракаева.

Соғлом чақалокларнинг дунёга келиши, нафақат бир оиланинг, балки жамиятнинг ҳам бахтидир. Мана, бугун ҳам бу туғруқхонада жажжи кичкинтой дунёга келди. Унинг саломатлиги эса ишончли кўлларда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.  
Тошкент вилояти

Йиғим-терим  
суръати юқори

Бунда сафарбарлиқнинг янги ҳақиқати кўл келмоқда,  
дейишмоқда андижонлик фермерлар

Улуғбек асл деҳқон ўрмонжон Бозорбоевнинг фарзанди. У ота изидан бориб, қўлига кетмон олди. Ҳозир Улуғбекнинг 36,4 гектар ери бор. У раҳбарлик қилаётган "Пахлаван" фермер хўжалиги жорий йилда 8 гектар майдонда гўзанинг "С-6524" навини парваришлаганди. Ҳосил пишиб етилгач, фермер хўжалиги даласида икки иш кунинда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди.

Уша кун далаи бир сидра айлиниб чиққан ўрмонжон ака ўғлининг елкасида қўлини қўйиб "Баракалла, ўғлим, отряд (бир йўла барча теримчиларни битта фермер даласига жалб қилиш) бир айлаиб келгунга қадар камида яна 5 центнердан пахта тайёр бўлади", деб ишонч билдирди.

Шахрихонда бир зарб билан хирмонини тўлдиратган фермерлар сон кун сайин кўпайиб бормоқда. Улуғбек билан ёнма-ён дарада меҳнат қилаётган Абдумутал Шерғоёв ҳам икки иш кунинда ҳосилдорлиқни салкам 35 центнерга етказиб, голиблар сафига кирди.

"Сардор" массивидаги "Пахтақул тонги" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Бозор-

боев узоқ йиллар агроном бўлиб ишлаган. У шу йилнинг бошида ўтказилган тендерда голиб бўлганди. Баҳодир 13,9 гектардан 47500 килограмм пахта тайёрлашга аҳд қилган эди. Кўтаринки руҳда қилинган меҳнат ўз натижасини берди. Биринчи теримдаёқ фермер белгиланган маррани ортда қолдирди. Унинг даласига қадам қўйиб, гўзаларда қолган кўсақларни санаймиш, гўёки бу далада эндигина пахта очила бошланган манзара намоён.

— Каттиқ меҳнат қилдик, — дейди Бозорбой дилидагини тилига чиқариб. — Ҳаммаси ҳам бир бўлди-ю, янги усулда йиғим-теримнинг ташкил этилганлиги бир бўлди. Хўжалигимда 13 та аъзо бор. Қўни-қўнлар ҳам улар сафига қўшилишганда теримчилар сон 25 тага етарди. Бу куч билан биринчи теримнинг ўзига 14 кун кетарди. Қозон-товоқни қўйинг, тракторнинг даладан заводга бориб келишининг ўзи қанча харажати талаб этади. Уюшган 150 киши 3 кунда биринчи теримни тугатишди. Энди бизга навбат 1 октябрь кун келади. Бунга қадар эса биз гўза қатор ораларига бугдой сеппишга тайёргарлиқни қўриб бўламиз.

(Давоми 3-саҳифада)

Мавсум

Мирзачўл тумани Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Ўзбекистон" ва "Истиқлол" сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳудудида юз километрдан зиёд масофадаги "Қўйтош" сув узатиш иншоотидан ичимлик сув қувурлари тортилган бўлиб, бу қувурлардан йўл-йўлакай Жиззах, Зафаробод, Арнасай ва Дўстлик туманларига қарашли ҳудудлар аҳолиси ҳам сув ичишарди.

## Сув келди қувончлар олиб

Лекин кейинги йилларда ушбу сув қувурлари чала лойиҳа асосида қурилган пачд бера бошлади. Узатишдаги узилишлар етмагандай, қувурлардан занг, лойқа ва шўр сув келадиган бўлди. Сабаби, қувурлар тупроқ шўрлигидан емирилиб, илмат-тешик ҳолга келган эди.

Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида ушбу хўжалиқларга атиги 20 километр наридаги "Тошкент" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида топилган чуқуқ ва экологик тоза ичимлик сув манбаидан янги полиэтилен қувурлар орқали обихаёт олиб келинди. Ушбу қурилишнинг ўзига республи-

## Хурихабар

ка бюджетидан 350 миллион сўм пул ажратилди. Очик майдонга яқиндагина ўрнатилган яп-янги жўмрагини очиб, қишлоқдошларини обихаёт олишга тақдир этган кекса чуқуқар Қудрат Тохи-

ров ҳовучини тўлдириб симирди-да, бир челақ сувни бошқаларга тарқатиб чиқди. — Ох, нақадар ширин экан, ўзимизнинг чул бағриддан чиққан чуқуқ сув! — деди у.

Келдиёр ЖУРАКУЛОВ,  
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Жиззах вилояти

Асал байрамига  
марҳамат!

Пойтахтимиз бозорларида "Асал байрами" савдо ярмаркаси бошланди. У Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида ташкил этилди.

Ярмаркада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. — Ташкилотимизнинг қарийб икки юз нафар аъзоси бор, — дейди Тошкент шаҳар асаларичилар жамияти раҳбари Зокир Мирхўжаев. — Уларнинг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришлаб, йилга салкам 200 тонна асал етиштиради. Асал байрами давомида пойтахтимиз аҳолисига ва меҳмонларига сифатли ва арзон асал маҳсулотларини етказиб берамиз.

— Бу йил асалимиз одатдагидан анча мўл бўлди, — дейди асаларичи Турсунхўжа Тожиқўжаев. — Мавсум давомида Жиззах вилоятининг тоғли туманларида асалари парваришладик. Бугунги савдо-ярмаркага беш тонна асал олиб келдик.

"Асал байрами" 30 сентябргача давом этади.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири.

## Жараён

## Қайта ишлана бошланди

Қорақалпоғистон Республикасининг пахтакор хўжалиқларида йиғим-терим суръати кун сайин ортмоқда. Натижада, қабул шохобчаларига топшириляётган "оқ олтин" микдори кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мавжуд 6 та пахта тозалаш корхоналарида эса ҳам ашё қайта ишланмоқда.

Бу йил "Қорақалпоқпахтасаноат" хиссдорлик бирлашмаси корхоналари камида 200 минг тонна пах-



тани қабул қилади ва тайёрланган тола буюртмачиларга 2 та терминал орқали жўнатилади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,  
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.  
Қорақалпоғистон Республикаси



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чўқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг биринчи навбатда вилает ва туман бўғинларида профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ўз ечимини толган эмас.

Ханузгача стационар даволаш муассасалари улуши кўпчиликини ташкил этган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бесунъай ва самарасизлигига қолмоқда. Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари тиббиёт муассасалари фаолияти устидан етарлича ташкилий-услубий раҳбарликни таъминламайётган, юқумли касалликлар профилактикаси ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича тегишли санитария-эпидемиология назорати таъминланмаётган.

Республикада нейрохирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик, ўткир ошқозон-ичак касалликлари ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб, юқори технология операцияларни ўтказиш бўйича алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ривожлантириш ниятида зарур бўлиб, уларга нисбатан талаб-эҳтиёж юқори даражада қолмоқда.

Республика ҳудуди бўйича касалликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволашнинг гом муҳим воситаси сифатида диагностика хизматлари тармоғи ниятида тўсат ҳал қилинган.

Скрининг-марказларнинг кенг тармоғи ташкил этилишига қарамай, бўлғуси оналарнинг соғлиги ва ҳомиладорликнинг кечиси ҳолатини назорат қилиш тизими, айниқса, қишлоқ жойларда, сифат жиҳатдан яхшилангани тақозо этади.

Юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳолини ОИВ/ОИТСдан ишончли ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизими доимий, жиҳдий эътиборни ва унинг фаолиятини ташкил этишни тубдан яхшилашни талаб қилади.

Малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштиришга муҳтождир. Тиббиёт коллежларида кадрлар тайёрлаш сифати жиҳдий эътирозларга сабаб бўлмоқда, ана шу коллежларни замонавий ўқув-услубий ва лаборатория ускуналари билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Илмий-тиббиёт мактаби анча заифлашди, илмий тадқиқотлар ҳамда уларни даволаш диагностика амалиётига таътиб этиш ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Кўпгина республика тиббиёт муассасаларининг барпо этилган юқори технология моддий ва илмий базасидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишда тўсат фойдаланилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чўқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадига:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чўқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ягона ташкилий-услубий раҳбарликнинг ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;

замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технология тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;

тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончилигини, аввало, зарарланмиш манбаларини профилактика қилиш ва тутатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш; аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва турмуш муассасаларининг моддий-техника базасини, айниқса, қишлоқ жойларда, янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб-ҳаёратини муттасил ошириш бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш; замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган ҳусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга қўмақлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф-2658-сонли Фармони билан тузилган Ишчи гуруҳининг 2007-2008 йилларда қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:

а) ишлаб турган вилает шифохоналари ва алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари негизига даволашнинг асосий йўналишлари (режалар хирургия, терапия, кардиология, урология ва бошқалар) бўйича тиббий хизматлар кўрсатувчи вилает кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

б) ишлаб турган вилает болалар тиббиёт муассасалари негизига болалар касалликларини даволаш учун вилает болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

в) Нукус ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, ҳар бир вилает марказига пуллик асосда фаолият юритадиган тиббий диагностика марказлари;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари, тегишли ҳудудлардаги болалар ва катталар поликлиникалари негизига туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга профилактика, санитария-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳамда соғлиқни тиклашга оид тиб-

бий хизматлар кўрсатишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам бериш вазифалари юкланади;

д) қуйидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини ташкил этиш:

Акушерлик ва гинекология илмий-тектириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизига акушерлик ва гинекология маркази;

Педиатрия илмий-тектириш институти ҳамда даволаш базаси негизига педиатрия маркази;

Терапия ва тиббий реабилитация илмий-тектириш институти ва Гастронтерология илмий маркази ҳамда даволаш базаси негизига терапия ва тиббий реабилитация маркази;

Республика Дерматология ва венерология илмий-тектириш институти ҳамда даволаш базаси негизига дерматология ва венерология маркази;

Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тектириш институти ҳамда даволаш базаси негизига фтизиатрия ва пульмонология маркази;

Эндокринология илмий-тектириш институти ҳамда даволаш базаси негизига эндокринология маркази.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини амалдаги талабларга мувофиқ шакллантириш, жиҳозлаш ҳамда молиявий таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг Марказлар Кенгашлири билан биргаликда бир ой муддатда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва кардиология марказлари 2007 йилда, Республика ихтисослаштирилган урология маркази 2008 йилда ҳамда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази 2011 йилда ўз-ўзини молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш шароитига тўлиқ ўтишининг аниқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Давархитектурлиш" қўмитаси билан биргаликда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда, халқаро стандартларнинг энг юқори талаблари ва қондаларига жавоб беришчи вилает диагностика марказларининг замонавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда уларни уч ой муддатда қўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъқулланган замонавий лойиҳаларга мувофиқ вилает диагностика марказлари қурилиши ёки реконструкция қилиниши, уларни зарур диагностика жиҳозлари, малакали кадрлар ва молиялаш манбалари билан таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Қуйидагилар муҳим фаолият йўналишлари ҳисоблансин:

а) туман(шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида — касалликлар, энг аввало юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш, аҳолига сифатли бирламчи амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш, бирламчи шоволининг, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бериш, беморларни стационарларда даволаш, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида, бошқа туман(шаҳар) муассасаларига ташкилий-услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

б) вилает кўп тармоқли тиббиёт марказларида — беморларни текширувдан ўтказиш, уларга юқори малакали тиббий-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, касалликларнинг асосий йўналишлари (режалар хирургия, терапия, кардиология, гинекология ва бошқалар) бўйича стационарларда даволашни ташкил этиш, шунингдек, вилает тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини таътиб этишни услубий жиҳатдан таъминлаш;

в) соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида:

тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашнинг ягона стандартларини жорий этиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг уларга ривож этиши устидан назоратни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар қўриш; оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишлари ўтказилишини ташкил этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. 2007 йилнинг 1 октябрдан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳаққларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жағғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин.

8. 2013 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган янги тиббий жиҳозлар учун божжона тўловлар (божжона расмийлаштирув йўғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарорини тайёрласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 19 сентябрь

Уша кунги воқеалар шундай кечди: собиқ ширкат хўжалиги идорасида талабгорлар қаторида ишчилар ҳам белгиланган вақт бўлишини сабрсизлик билан кутишарди. Ахир, шу кунни 2-лойиҳадаги 58,9 гектар экин майдони учун муносиб киши танлангани ва бўшаб қолган ишчиларнинг доимий бандлигини таъминлаш ана шу танлов натижасига боғлиқ эди-да.

—Келишяпти, — дея ичкарига ўзини урди, шу жойда турганлардан бири. —Қани ичкарига киринглар, ҳозир бошлаймиз, — дея гапга аралашди аъзолардан бири. 5 нафар талабгорнинг тақдим этган барча ҳужжатлари бир пасда қўриб чиқилди.

танлов ҳолис ва рақобат асосида ўтказилиши таъминланган экан, деган ҳулосага келиши мумкин. Лекин ҳеч вақт ўтмасдан 52 балл тўплаган У.Ҳабибуллаев негадир танловнинг кейинги босқичида қатнашишдан воз кечди ва номзодини қайтариб олди.



—Хайрият, — деди жараёни кузатиб турганлар танлов талаблари баҳолашни ниятсизга етганидан қувониб.

—Нари борса бир соатлик гап экан, у, тадориги шунча одамни аллавақчага ҳаяжонлантирганани айтмайсизми, дегувчилар ҳам топилиди.

Танловни кузатиб турганларнинг аксарияти шу ширкат ҳудудида умргузаронлик қилган, сутяги пахта ва галлазорларда қотналган эди. Турган гап-ки, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган далаларнинг бундан кейинги тақдирини кининг ва қандай одамларнинг қўлига топширилиши уларни бефарқ қолдирмасди. Шу боис танлов амалдаги қонунларга ривож этилган ҳолда ва ҳалоллик билан ўтказилишини иста-шарди. Зотан, Ўртабосқимиз қишлоқ аҳли меҳнат самарадорлигини, улар манфаатдорлигини ошириш борасида эътибори барчани мамнун этиб келадиган ҳам кундек аён эди.

2005 йил 25 декабрдаги танловда комиссия аъзолари томонидан У.Ҳабибуллаев, О.Юсуфжонов, Ё.Қосимова, М.Бадалов ҳамда К.Мамажоновлар тақдим этган зарур ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Танловнинг биринчи босқичи бўйича талабгорлар — Каримжон Мамажоновга 50 балл, Олимжон Юсуфжоновга 52 балл, Ёқубжон Қосимовга 54 балл, Махмуджон Бадаловга 55 балл ҳамда Уктамон Ҳабибуллаевга 52 балл қўйилди.

Балларга эътибор берган киши —

## “Мутулаа байрами” бошланган

Ёшларимиз орасида мутулаа маданиятини юксалтириш, наشريётчилик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисининг кенг қатламларини янги ахборот технологияларидан фойдаланишни таъминлаш ва уларни ахборот олишининг янгича технологиялари билан таништириш мақсадига ҳар йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси томонидан “Мутулаа байрами” ўтказиб келинади.

Кеча пойтахтимизда анаъанавий “Мутулаа байрами-2007”нинг очилиш маросими бўлди.

Ушбу анжуманининг ўзига хос томони шундаки, тадбир давомидида бир қанча китоблар-

этилган ҳужжатнинг 2-иловасида ўрта махсус маълумотлиларга 7 балл берилиши таъсир қилинади. Шунингдек, мазкур даъвогар тақдим этган иккита техника воситаларининг техник паспортида техник қўриқдан ўтганлиги тўғрисида ҳеч қандай қайтарилган белги-ланмаганлигини билган ҳолда маъсул кишилар бу масалада ҳам уни қўлаб, 15 баллни ҳаёда этишган. Яъни Низомнинг 20 “г” банди 1-қисмидаги “Техника воситаларини баҳолашда фақатгина техника паспортидаги техник қўриқдан ўтганлиги тўғрисида белги мавжуд бўлган техника воситаларини ноинбатта олинати” деган қўрсатмага риоя этилмаган.

Комиссия аъзолари бошқа талабгорларнинг имкониятларини баҳолашда ҳам бир қатор қўпол хатоликларга йўл қўйишган. Махмуджон Бадалов ҳужжатларига амалдаги талаблар асосида ёндашилганда эса унинг маълумотида (ўрта махсус) 7 балл, мутахассислиги (агроном) 9 балл, иш стажини 10 балл, мол-мулкига 6 балл, техника восита-

ларида 0 балл, шартнома шартларини бажарганлик учун 0 балл, жами 32 балл берилиши керак эди.

Қоронғида сабаблар боис мазкур танловда талабгор фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари қўпол равишда бузилганлиги таъкидланиб, вилает адлия бошқармаси томонидан туман ҳокимлигига тақдиминоа киритилган.

Жумладан, унда шундай дейилган: “Навоий номили ширкат хўжалигида қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 2-лойиҳадаги 58,9 гектар майдон бўйича ўтказилган танлов ноконуний деб топилсин ва М.Бадаловнинг “ғолиб” деб топилган 12-сонли йиғилиш баёни ҳамда Уйчи туман ҳокимининг 2005 йил 30 декабрдаги 334-сонли қарорининг М.Бадалов ва К.Мамажоновга тегишли қисми бекор қилиниб, танлов қайтадан ўтказилсин”.

Аслида ҳал қилувчи паллада масъул кишиларнинг қўрсатган “уйини” вилает адлия бошқармасидагиларнинг аралашуви туфайли фойда этилган, мутасадди ташкилотлар қаторида туман ҳокимлигидегилар учун ҳам сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, орадан салкам икки йил вақт ўтаётган бўлса-да, қайта тендер ўтказилиб, ер ҳақиқий эгасига топширилмади. Уша ер ҳамон туман ҳокимлигининг “захира фонди”да турибди.

Мулкни бўлиб, ҳам ўзига, ҳам халққа наф қилтирмаган деган асосий даъвогар Олимжон Юсуфжонов қонуний ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишларини

атда ҳам Олимжон Юсуфжоновнинг даъвоси тўлиқ қўлаб-қувватланди.


“Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ҳолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари бузилганлиги бид-эмас, иккита ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан таъкидланишига қарамай, бу иш ҳамон поёнига етмаётгани ачинарли ҳол эмасми?

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Наманган вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида битта масалага алоҳида тўхталгандилар — яъни, “...одамлар ҳамма нарсасга чидаши мумкин. Аммо қонун бузилса, адолат топтатилса, бунга ҳеч ким чидай олмайди...” дегандилар.

Ҳа, О.Юсуфжоновнинг тахририятимизга келиш сабаби ҳам шундан.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин. Яъни, уни биз эмас, балки Наманган вилоятидаги мутасадди ташкилотлар, қолаверса, Уйчи тумани ҳокимлигидаги маъсул раҳбарлар айтишгани маъқул. Зеро, мулк ҳақиқий эгаси ихтиёрий топширилган, салкам икки йиллик саргардонликка чек қўйилиб, амалдаги қонун талаблари таъминланарди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
“Қишлоқ ҳаёти”  
муҳбири.



ўқув адабиётлари, жаҳон тилларидаги янги журнал ва газеталар каби мавзуларда кўргазмалар ташкил этилиши режалаштирилган.

(Ўз муҳбиримиз)

## Сиёсий суиқасд

Ливан пойтахти Байрутда содир этилган қўруқчилик мамлакатда кескин вазиятни келтириб чиқарди.

Ўтган кунни шаҳар марказида минаялтирилган автомобилнинг портлатилиши оқибатида Ливан парламенти депутаты, “Ал-Катаиб” христианлар партияси аъзоси Анту-



ан Ганием ва 7 нафар одам ҳалок бўлган. Гувоҳларнинг сўзига қўра, портлаш Ганием ўтирган автомобилни 50 метрга улоқтириб юборган. Ливан ҳукуматининг аксилсүрчи коалицияси бу ҳунрезликни издошлари бўлиши Ганиемга қаратилган сиёсий ҳужуҳ деб баҳолаган. Ва бу қўруқчиликда Сурияни айблаган. Уларнинг фикрича, Дамашқ шу тариха президентлик сайлови олдидан парламент аъзолари ва мухолифат қулакри ўртасидаги келишувларга нифоқ солиб, мамлакатдаги вазиятни кескинлаштиришга уринмоқда.

Антуан Ганием 2005 йилнинг феврал ойда бошланган сиёсий суиқасднинг саккизинчи жабрдийдаси ҳисобланмоқда. Халқаро ҳамжаъид 64 ёшли сиёсатчиға уюштирилган қотилликни қораламоқда ва бу борада текширувлар олиб бориш кераклигини таъкидламоқда.

## YETTI-İQLIMDAN BİR SHINGİL

### Шенген ҳудуди кенгайди

Европа Иттифоқининг 27 аъзо давлати ички ишлар вазирлари Шенген ҳудудини кенгайтиришга келишиб олишди.

Брюсселда бўлиб ўтган йиғилишда 2008 йил 1 январдан Шенген таркибига кирувчи 15 давлат ўз чегараларини Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Польша, Эстония, Латвия, Литва ва Мальтага очиши маълум қилинди. Европа “юрта”да жойлашган Швейцария ва Лихтенштейн князлиги 2008 йил охирида Шенген ҳудудига киритилиши белгиланган бўлибди. Мутахассислар фикрича, ягона виза тизимига эга бу коридорнинг кенгайиши ноконуний иммиграция ва Шимолий Африка ҳамда Шарқдан Европага “тирик товар”лар олиб киришга бир оз чек қўйиши мумкин.

### Аёллар машина ҳайдаш истагида



этувчилар томонидан ташкил қилинган қўмита

Саудия Арабистони миллий байрами кунда подшоҳ Абдуллога махсус талабнома юбормоқчи.

—Зора шундай байрам кунни подшоҳимиз бизга автомобиль бошқариш ҳуқуқини берса, — дейди қўмита аъзоларидан бири. 1990 йилга қадар аёлларнинг машина ҳайдашини тақиқлаш расмий қўриқни касб этмас эди. 1990 йилда 47 нафар аёл норозилик намойиши қўриқни ҳайдашга алоқадор бўшқаргандан сўнг бу борада қатъий қонун нормалари вуқудга келган.

### Муҳожирлик учун янги қонун

Франциядан паноҳ топувчи муҳожирлар энди ДНК анализлардан ўтишларига тўғри келиши мумкин.

Мамлакат интеграция, иммиграция ва тараққий вазирлиги Брис Ортефе томонидан парламентга тақдим этилган янги қонун лойиҳасида шу кўзда тутилган. Ушбу давлатдан ҳар йили 25 минг нафар ноконуний муҳожир қувб қиқарилади. Янги қонун лойиҳасида айтилишича, Францияда қонуний истиқомат қилаётган муҳожирларнинг ақин қариндошларини бу давлатда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши учун аввал ДНК анализи ва француз тилидан имтиҳон топширишлари лозим бўлади. Агар уларнинг ДНКси Франциядаги қариндошлариникига мос келмаса ўз юртларига қайтиб қетишларига тўғри келади.

2100 йилга бориб дунё тилларининг 80 фоизи йўқ бўлиб кетади, дея тахмин қилинмоқда.

### Тиллар қисқариб бормоқда

Буюк Британия тилшунос олимларининг The Independent газетасида берган мақолаларида шу ҳақда айтилади. Ҳозирданок 40 фоз дунё тиллари “Қизил китоб”га киритиш лозим.

—Муаммо тил эгаларининг камийиб бораётгани эмас, балки жаҳон аҳолисининг деярли 80 фоизи инглиз, рус ва хитой тилларида сўзлашишни одат қилиб бораётганидир, — дейди тилшунос олим Давид Харрисон. Ми-сон учун Шимолий Америка қабилалари қўлаб келган 176 та тилдан 52 таси 1600 йилдан бунён йўқ бўлиб кетган. Еки Австралия аборигенларининг муомала диалекти 31 тага қамайган.



## Богдорчилик сир-синоатлари

## Дарахтни қачон кесиш мумкин?

Дарахт ўсаятганда уни кесиш мумкинми? Богдорчиликда катта натижаларни қўлга киритган машҳур богбонлар дарахтни "шираси ҳаракатда" бўлган пайтда кесиш мумкин эмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмаганлар. Улар фақат дарахт "ширасининг ҳаракатини" яхши билганлар. Баъзи маълумотларга кўра чет мамлакатларда дарахтни кесиш ишлари у мевага кирган пайтда амалга оширилади: бу юқори сифатли меваларнинг кўп бўлишини таъминлайди.



Маълумки, дарахт унинг томирлари ишдан чиқиб, пўстлогли зарарланиши ёки бирор касалликка чалиниши оқибатида қўриб қолиши мумкин. Аммо у ҳеч қачон мевадан кесилиб қолмайди. Айниқса, ёзда, яъни "ширасининг ҳаракати" айтиш мумкин, дарахтнинг кесилиб ташлаш ҳам ўсимдан тўхтаб қолмайди. Ёзда пайтда каттагина новда ва шохларини кесиб ташлашнинг мумкин, бироқ унинг ўрнига қўйлаб янги новдалар пайдо бўлганини ва улар жуда тез ўсиб келаётганини кўрасиз. Хатто янги пайдо бўлган новдаларни қўриб ташлаб ҳам дарахтнинг (янги новдаларнинг) ўсиш тезлигини бинобарин "шира ҳаракати" сўсатиб бериб қолмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, дарахтни кесилишнинг қуйидаги усули тавсия қилинади. Кесилиш ишлари новда пайдо бўлиш ёки улар ҳали ўсиб улгурмаган пайтда амалга ошириш лозим. Чунки ҳали ўсимни бошламаган новдани кесиб ташласангиз дарахтнинг бутун шираси қолган новдаларга сарфланади ва ўсиб новдалар бақувват бўлади. Агарда ўсиб улгурган новдани кессангиз бошқа новдалар ўнчалик бақувват бўлмайди, чунки дарахт ширасининг бир қисми ўсиб улгурган новдага сарфлаб бўлинган.

Дарахт ривожланиши фақатгина ёзда авж оладигандек туюлса-да, аслида у бутун йил давомида ўсади. Март-май ойларида пайдо бўлган новда кузгача ўсиб-ўлғайиб улғурди. Августда кесилган ўсиб новда кузда ўсишга улғурмайди, аммо баҳорга бориб дарахт танасидан ўзига тегишли "шира"ни ўзлаштирган ҳолда "етишмай турган жой"ни тўлдириб ҳаракат қилиб" тез ўса бошлайди. Агарда сиз ҳосилдорлигини ошириш мақсадида дарахтни кесмоқчи бўлсангиз бу ишни хоҳлаган пайтда, гул ва меваларга зарар етмайдиган пайтда амалга оширишнинг мумкин. Бироқ бунда дарахт кесилган новдалар билан биргаликда кўп миқдорда қувват йўқотилади ва "ўзи хоҳлаганча" йўл тутайди, яъни кесилган новдалар ўрнини бошига ҳаракат қилиб қўйлаб янги новдалар чиқаради, натижада сиз уни бошқара олмайсиз.

Дарахтни фақат вегетация, ўсиш давридагина кесилиш ишларини амалга ошириш, яъни янги новдалар пайдо бўлган заҳоти уларнинг керасисларини кесиб ташлаш лозим. Шу йўл билан сиз фойдасиз новдани фойдалига новдага айлантирасиз. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, янги кесилган дарахтдан тушадиган сояга қуёш "парчалари" барглари соянинг ярмини ташкил қилиши ёки дарахт шохлари орасидан қарға учиб ўта олиши лозим. Мана шундай шароитда дарахт янги ҳосил беради ва унинг атрофида малина, смородина, бодринг, ловия каби ўсимликлардан ҳам ҳосил олиш мумкин.


Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.

(Боши 1-саҳифада)  
Бозорбойнинг чехрасидан нур ёғилиб турибди. Андижонга эндигина кириб келаётган "Бухоро-102" нави унинг кўнглини чоғ қилмоқда. Унинг сўзларига қараганда даласидан яна камида 15 тонна пахта териб олади. Бу билан Бозорбой "олтин фермер" мақомига эришади.

Шахрихон туманидаги 737 нафар фермер даласида пахта қийғос очилган. Янги усул бўлмаганида бутун шу далаларнинг барчасида терим бораётган бўларди. Туманда 15 сентябрь кўни терим бошланди. Мўлжал бўйича дастлабки терим ойнинг охирида туғайди. 1 октябрдан бошлаб эса иккинчи терим бошланади. Хар бир уюшган гуруҳда биттадан транспорт трактори ва иккитадан тележка бор. Тарозидан ўтган этакдаги пахта хирмонга эмас, тўғри тележкага тўкилмоқда. Тайёрловчилар қабул қилиб олаётган пахта намлиги 9 фоиздан озки, кўп эмас.

Пахта тайёрлашда пахтабодликлар карвонбошилиқ қилишяпти. Ўтган кўни туманда фаолият юритаётган 86 та гуруҳ ҳисобига 1257 тонна пахта йиғиб-териб олинди. Аслини олганда туманда 670 та фермер бор. Фермерга олдинги оврагарчиликларнинг 100 дан бири қолди, ҳисоб. "Озод" массивидаги "Олтин" фермер хўжалигида 39 гектар пахта майдони мавжуд. 7 гектарлик даллада терим ўтказган гуруҳ аъзоларининг қўллари барака ёғдириб юрди. Бу ердан оз эмас, 23,8 тонна пахта чикди. Ҳосилдорликка айлантирилганда 34 центнер. Фермер Каримберди Эгамов энди бемалол "олтин фермер" бўларкан.

## Йиғим-терим суръати юқори



лиққа даъвогар бўлса ярашади. — Катта йиғинларнинг бирида 40 центнердан ошириб пахта етиштирадиганлар менга тараф бўлсин, деб юборибман, — дейди Каримберди. — Орадан кўп ўтмай отряд усулида терим ўтказилиши ҳақида сўз борди. Унинг борки икир-чикирлари барчамизга тушунтирилди. Кези келганда пахтамининг заводида олиб боришга трактор ахтариш тунни кунга улаб юборар эдик. Эрталаб саккиз кизда терим бошланаётган бўлса, шу вақтда тележка ҳам дала бошида. Ҳеч қандай шовқин-суронсиз ҳам пахта масумини ўтказса

бўларкан. Ха, Андижон томонларда ҳам ўзига ишондиган ва сўзининг улдасидан чиқадиган фермерлар шу қадар кўпайиб борапти. Балиқчилик Олимжон Мирзақаримов, Матёкуб Қўзиёв, хўжабодлик Рустамжон Қораёв, жалақудлик Абдуназар Абдуллаев каби фермерлар ҳосилдорлигини 31-35 центнерга етказиш, "олтин фермер"лик сари интилоқдалар. Улар каби фермерлар сони 3452 нафарга етганлигини айтадиган бўлсак, Андижонда йиғим-теримнинг кўтаринчилиги кўз олдингизда гавдаланади.

Хар ким ўз ишига масъулият билан ёндашувини таъмин этишга қодир бўлаётган янги усул қисқа кундаёқ ўзини оқламақда. Шу ўринда маълумотларга эътибор

қаратамиз. Ўтган йилнинг 18 сентябрь кўни 219 минг 431 киши ҳисобига 7 минг 445 тонна пахта йиғиштириб олинган эди. Бу йил худди шу кўни 192 минг 384

киши билан 13 минг 819 тонна ҳам ашё йиғиштирилиб, тайёрлов қорхоналарига топширилди. Хар гектар ердан олинган ҳосил ўртасидаги фарқ эса қарийб 8 центнерга кўп. Олтинқўлдаги "Кўктерак" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон ота Абдувалиев етти ўлчаб бир кесилишга оқатланган деҳқонлардан бири. Унинг даласида ҳам йиғим-терим борапти.

— Фалла мавсуми қизиётган, гўзага ишлов бериш авжига чиққан чоғда Ўртабощимиз туманида бўлибди, — деди отахон. — "Ихлос-барака" фермер хўжалиги шийпониди бўлиб, бизга берган маслаҳатлари юрагимизга жо бўлди. Энди ўғит ёки ёқилги учун ҳафталаб юришлар, ялчишлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Жойлардаги шохобчаларда ишчилар нари бора бир пиёла чой совмай туриб ҳал бўлади. Банка борсангиз "Келинг, хизмат" деб туришибди. 62 гектар ерим бор. "Галлабанк" мадади билан иккита тракторни лизинг билан олдим. "Класс" қомбайни, занжирли ҳайдов трактори олган фермерларнинг бундан бунда дастуи узун бўлаверади.

Қобилжон АСКАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Андижон вилояти

Р.С. Кеча оқшомда Избоскан туманидаги "Тиллабобов олтин даласи" фермер хўжалигида биринчи терим нихосига етганлиги ва ҳосилдорлик гектар ҳисобига 42 центнерга тўғри келганлиги ҳақидаги хўшхабарни олдим. Балиқчи туманидаги "Ғофур ота" фермер хўжалиги раҳбари Абдуфаттох Йўлдошев сим орқали қувончини бизга етказди. У 20 гектарлик пахтазоридан биринчи теримданок 40 центнердан хирмон яратибди. 14,5 гектар пахта майдонидан 60 тоннадан зиёд ҳосил жамғуришга эришган фермер Қозимжон Мамадалиевнинг даласига ҳавасингиз келади. Истикболли ҳисобланаётган "Андижон-36" нави деҳқонларга ҳам, қайта ишловчиларга ҳам ҳар жиҳатдан маъқул келмоқда. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Ҳамроқулловнинг сўзига қараганда, айтиш шундаки, гўзани парвариш қилган ўндан зиёд фермер даласида ҳосилдорлик 35-38 центнерданга тўғри келапти. Улар сифат бош мезон, дея қарашмоқда. Ахир бутун ўзбек пахтаси доғруғи дунёга кетаётган, унга талабдор ошаётган бир паллада бу ҳар бир деҳқоннинг дилдаги ораусига айланиши табиий.

Норин туманидаги "Бектемиров" номли фермер хўжалигига уста пахтакор Тўхтасин Бектемиров етакчилик қилади. Жорий йилда 10 гектар галлазордан 65 центнердан ҳосил етиштирган фермер аъзолари пахтачиликда ҳам галаба довини эгаллашди.

18 гектардан 34,4 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг 100 фоизи биринчи навага сотилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биринчи теримнинг ўзиданок 28 миллион 800 минг сўмдан кўпроқ даромад олиниши мўлжалланаёпти.

— Ҳали далаларини навага ҳосил бор, уни охириги мисқолларига ҳам йиғиб оламиз, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи.

СУРАТДА: уста пахтакор Тўхтасин ака Бектемиров. Равшанбек МИРЗОЛИМОВ олган сурат.

Наманган вилояти

## "Келажак овози" — буюк давлат пойдевори

Мана, уч йилдирки, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида "Келажак овози" республика кўриқ-танловини ўтказиб келмоқда.

Яқинда мазкур кўриқ-танловнинг Бухоро вилояти босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Виллоятнинг 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлари бадий ижод ва публицистика, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар, ахборот-коммуникация технологиялари, архитектура ва дизайн ҳамда булар қаторига қўшилган спорт номинациялари бўйича ўзларини нимага қодирликларини намойиш этишди. Танлов ҳайъати бу аризаларни бир ой давомда кўриб чиқиб, республика босқичига йўлланма оладиган 40 нафар ёшларни белгилаб берди.

Шу кўни Бухоро шаҳридаги Амфитеатр майдони юзлаб ёшлар, ота-оналар ҳамда устоз-мураббийлар билан тўлиб кетди. Ҳамма ҳаяжонда ғолиблар номи эълон қилиниши кутарди. Ва нихоят, ҳар бир номзод номи эълон қилиниши билан бутун амфи-

театр уларни гулдурас қарсақлар билан қарши олди. Танлов ғолиблари фикрлари билан ўртоқлашарканмиз уларнинг қувончлари чексиз эди. Бадий ижод ва публицистика йўналиши бўйича танлов ғолиби Умида Хўжакулова:

Очилишни айтадиган бўлсам, умуман кўтамагандим. Ўзим миллий мўлтоз санъатимизга қизиқаман, олдимга қўйган мақсадим эса ана шу ўлмас санъатимизни янада чуқурроқ ўрганиб, келажак авлодга асл ҳолида етказиш. Бу йўлда менга "Келажак овози" рағбатлантирувчи қанот бўлади. "Архитектура ва дизайн" йўналиши бўйича танлов ғолиби Йўлдош Хайитов: — Танлов комиссиясига замонавий ва миллий архитектура аъналарини уйғунлаштирган ҳолда яратган лойиҳаларимни тақдим этдим. Бухоро ўзининг мезморчилик босқичидаги ўзига ҳок мектабига эга. Ана шу аъналарини бугунги замонавий шаҳар кўринишига қўллаш меннинг олдимга қўйган асосий вазифам.

"Спорт" йўналиши бўйича танлов ғолиби Диана Сулейманова: — Бу танловга "Спорт" номинациясининг ҳам қўшилиганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Зеро, Ўртабощимиз таъкидлаганларидек: "Ҳеч бир нарсаси мамлакатни спортчилик дунёга машҳур қила олмайдиган".

Совринини профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев қўлидан олиш менга ҳам жаҳон арена-ларида юртимиз байроғини баланд кўтаришимизга ўндайди.

— Танловга виллоят ёшларининг қизиқиши кўндал-кўнга ортиб бормоқда, бундан ариза-лар сонининг салмоғидан ҳам билса бўлади. Бу йилги танловнинг ўзига ҳок жиҳатларидан ана бири танлов иштирокчиларининг кўпчилиги коллеж ва академик лицей талабалари эканлигидир, — дейди биз билан сўхбатда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят бўлими Кенгаши раиси ўринбосари Адолат Ақромов. — Ҳали ёш бўлишларига қарамадан изланувчанлик, интилувчанлик, ижтимоий фаоллиги ўзлари-га шир қилиб олган бу ёшларни қўриб, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғрилигига ана бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ғолибларга диплом билан бир қаторда қимматбаҳо совринлар ҳам топширилди. Эс-трада хонандалари ва "Бухоро гўзаллари" рақс ансамблининг чиқишлари барчага кўтаринки қийфат улашди. Биз ҳам буюк давлат қури-лишида пойдевор бўладиган бу иқтидорли ёшларни ғолиблик билан табриклаб, республика босқичида улар-га зафарлар тилаймиз.

Зафар ТЎХТАЕВ, ЎзДавЖТУ талабаси. Бухоро вилояти

## Корхона раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий ишша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эълан қилди. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қуришмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қўдалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қўдаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш

## Жумладан:

- Рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар ўтган жойларини кўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
- Турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазिश, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- Турли хил чикиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- Магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш

## ТАКИҚЛАНАДИ!

Хушёр ва эҳтиёткор бўлинг! Алоқа кабелларининг шикастланишига йўл қўйманг!

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

## МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ КИЛУВЧИ БОҒЛАМАЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали:

Тошкент ш. А.Толстой кўчаси, 23 ком-р.

144-61-08,  
132-01-26, 144-29-59  
КУ-1 Тўйтепа  
50-36-79, 380-40-35  
КУ-1 Ф-Л Ангрэн  
21-306, 21-121, 186-57-51  
ЛТЦ Бекбод  
2-27-61, 186-57-51  
2-54-11, 316-97-53

## 1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:

Тошкент ш. А.Ходжаев к-си, 29.

КУ-1 Тўйтепа

КУ-2 Янгиёул ш. Чарикова, 172.

КУ-3 Тўйтепа ш.

135-36-59  
65-80-43  
168-72-86  
168-48-51

## 2-ШМАТБ манзил:

Кўхон ш. Истиқлол -58.

КУ-2 Бешариқ т.марк. Сирдарё кўч., 9.

КУ-3 Наманган ш. Нуробод масс. телевиз.ш.

КУ-4 Андижон ш. Чўлпон-9.

КУ-5 Янгиқўрғон т. маркази Чустий кўч.-1.

55-2-24-71  
61-2-23-66  
25-08-82  
22-23-81  
52-9-24-55

## 3-ШМАТБ манзил:

Гулистон ш. Дўстлик кўрғ.

КУ Сирдарё

КУ Жиззах

ЛТЦ-2 Янгиер

27-16-20  
57-28-98, 57-34-36  
77-05-27, 6-22-07  
72-30-28, 72-30-24

## 4-ШМАТБ манзил:

Булунғур ш. Самарқанд-18.

223-38-37

## 5-ШМАТБ манзил:

Бухоро ш. Ғиждувон -69.

223-38-37

## 6-ШМАТБ манзил:

Нукус ш. Ашхобод -1.

КУ Тўртқўл ш.

КУ Бегуний ш.

552-30-60, 1-42 (ички)  
524-30-60, 1-38 (ички)

## 7-ШМАТБ манзил:

Термиз ш. Гагарин-32.

ЛТЦ-16 Денов ш.

3-59-07  
7-37-62

## 8-ШМАТБ манзил:

Қарши ш. Ҳуснобод-1.

ЛТЦ-15 Ғузар ш.

221-02-41  
55-22-1-67

## 9-ШМАТБ манзил:

Урганч ш. Дусов-2.

226-36-58, 226-36-33

## 10-ШМАТБ манзил:

Навоий ш. Кармана-26.

КУ-3 Каттақўрғон ш.

КУ-4 Ғиждувон ш.

224-75-21  
45-5-24-54  
57-2-14-75

Ушбу телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль ли-

ниялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа

корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро

алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз бе-

ришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикаст-

лантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа

корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Агар

да қандайдир ер қазिश ва қурилиш ишларини амалга ошириш

зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбо-

шимчилик билан аниқлашга уринманг. Бунга фақат бизнинг ва-

килимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель

жойлашган трасса белгисига кўрсатишган.

## Янги ҳиссада кўзқорин



Фарғонада Хитой технологияси асосида кўзқорин етиштириш йўлга қўйилди. Бу ишнинг янгилиги шундаки, кўзқорин учун озуқа манбаи оддий пахта чикити, яъни шөлхадир. 2005 йили "Фарводийагросервис" агрофирмасига асос солинган эди, — дейди Акрамжон Абдуллаев. — Ўтган йили бу ерда тажриба тариқасида оқ кўзқорин навини етиштирдик. Саккиз тоннадан зиёд ҳосил олинди. Миникўриш ўсқунаси ёрдамида ҳосилнинг бир қисми қуришиб қолди. Биз етиштиратган маҳсулотлар асосан экспорт қилинади. Бу ерда ун турдаги кўзқорин ноъанавий усулда етиштирилмоқда. Айни кўнларда мазкур даргоҳдаги 9 та кўзқорин ўстирадиган лаборатория хоналарига қоллуси йил ҳосили учун қизгин иш олиб боришмоқда.

Режага кўра, — дейди агрофирма раиси, — бир миллион донга кўзқорин етиштирилиб, 300 тонна ҳосил олишимиз керак. Бунинг учун эса кўзқорин ўстириладиган хоналарда бир хил — 25 даража ҳарорат ушлаб турилиши лозим. Шу кўнчага барча хоналарга иссиқлик, газ, сув ва электр тармоқлари тортилди. Бундан ташқари, мазут билан ишлайдиган қўшмича қорхона ҳам барпо этилди.

Энг муҳими, мазкур қор



